



ЎЗКИМЁСАНОАТ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2025 йил 17-июл

Техник жиҳатдан тартибга солиш ва ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш департаменти



Абдуразаков Расулжон Сайдуллоевич

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Техник жиҳатдан тартибга солиш ва ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи

Телефон рақами: [+998781407463](tel:+998781407463)

Электрон почта манзили: r.abdurazakov@uks.uz

Меҳнат фаолияти

2025 - -ҳ.в.

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Техник жиҳатдан тартибга солиш ва ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш департаментининг бошлиғи

2020 - 2025 йй	“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти Техник жиҳатдан тартибга солиш ва ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш департаментининг бош мутахассиси
2019 - 2020 йй	“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятининг Ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш ва техник ривожлантириш департаментининг Ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўлими бош мутахассиси
2019 - 2019 йй	“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятининг Ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш департаментининг Ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси (азотли ўғитлар бўйича бош технолог)
2017 - 2019 йй	“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятининг Техник сиёсат, ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш ва техника хавфсизлиги бош бошқармаси ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш бўлими бош технологи, бош мутахассиси
2015 - 2017 йй	“Farg’onaazot” акциядорлик жамиятининг илмий-техник ривожланиш бўлими бошлиғи ўринбосари
2012 - 2015 йй	“Farg’onaazot” очик акциядорлик жамияти концентратланмаган азот кислотаси цехининг 725/1-6 корпуси бошлиғи
2011 - 2012 йй	“Farg’onaazot” очик акциядорлик жамияти концентратланмаган азот кислотаси цехининг МЧР лойиҳаси бўйича муҳандис-технологи

Вазифалари

- Ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш учун саноатнинг кимё маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарининг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- Соҳага замонавий юқори технологик ускуналарни кенг жорий этиш, юқори қўшимча қиймат ва кам энергия сарфи билан талаб қилинадиган юқори сифатли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш;
- Тармоқ корхоналарининг барқарор ишлашига, республика қишлоқ хўжалигининг эълон қилинган ҳажмлари бўйича минерал ўғитлар ва бошқа турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини чуқур таҳлил қилиш, улардан янада самарали ва оптимал фойдаланиш ҳисобига модернизация ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган қимматбаҳо металлларни тўғри сарфлаш, ҳисобга олиш ва сақлашни таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;
- Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, маънан ва жисмонан эскирган технологик жиҳозларни янгилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/company/department/texnik-jihatdan-tartibga-solish-va-ishlab-chiqa>

[rishni-muvofiqshtirish-departamenti](#)